



O'ZBEKISTON

BUNYODKORI

№78 (831) 2024 йил 20 сентябрь, жума

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

f uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ НАТИЖАЛАР ВА РЕЖАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни қишлоқ хўжалигидаги
ислохотлар ижросига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда бу соҳанинг тармоқлари кўп ва катта салоҳиятга эга. Сўнгги йилларда пахтачилик, мева-сабзавотчилик, иссиқхона хўжалиги, қайта ишлаш саноати каби кўплаб йўналишлар самарадорлик нуктаи назаридан ислоҳ қилинмоқда.

Юртимизда 136 та туманда 1 миллион гектардан зиёд ерда пахта етиштирилади. Ҳосилдорликини ошириш мақсадида бу йил, одатдагиларига қўшимча, 42 та истиқболли ва 18 та ҳорижий навлар экилган. Жумладан, илк бор Хитой, Ҳиндистон ва Туркиядан олиб келинган навлар қарийб 100 минг гектарда етиштирилмоқда.

Шунингдек, янги тажрибалар сифатида 112 минг гектарга тиндирилган уруғ, 200 минг гектарга вилотлараро ва туманлараро навлар алмашлаб экилди.

Мутасаддилар ушбу янгиликларнинг натижалари ва келгуси йил уни янада кенгайтириш режалари юзасидан ахборот берди. Давлатимиз раҳбари ҳориждан уруғ олиб келишда рақобат муҳитини яратиш, пахта етиштириш арготехникасини ҳам ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалигидаги ҳосилдорлик, биринчи навбатда, уруққа боғлиқ. Лекин кўп фермерлар уруғлик учун устамани кам тўлашни ўйлаб, паст авлодди уруғ экапти. Янги уруғ намини синовдан ўтказиб, давлат реестрига киритишга эса 5 йил кетаяпти. Илгор тажрибада бирламчи уруғчиликни хусусий элита хўжаликлари амалга оширади.

Шу боис навларни синашнинг янги тизими жорий қилиниши белгиланди. Унга кўра, 31 та элита уруғчилик хўжалиги ва 6 та уруғлик тайёрлаш цехидаги давлат улуши оммавий савдоларга чиқарилади. 46 та уруғчилик корхонаси бирлаштирилиб, ҳудудларда 13 та замонавий корхона ташкил этилади. Янги уруғлар 2 йилда экишга жорий қилинади.

Соҳадаги яна бир катта йўналиш боғдорчилик ва узумчилик. Мамлакатимизда 266 минг гектар боғ ва 132 минг гектар тоқзор бор. Лекин бу унумдор табиатимизга яраша эмас. Ҳудудларда яхши фойдаланилмаётган ерлар, бўш адирлар талайгина.

Энди бундай ерларда мевали боғлар, жумладан,

узумзор ва олмасзорлар барпо этишнинг янги тизими жорий қилинади.

Яъни, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ҳудудларнинг ихтисослашуви ҳамда тупроқ-иклим шароитини инобатга олиб, лойиҳаларнинг техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқади. Ерни тайёрлаш, кучат олиш, экиш ва суғориш тизимлари ўрнатиш ҳамда боғ ҳосилга киргунча 3 йил парваришлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилади. Янги ташкил этилган саноатлашган боғларга 100 фоиз замонавий сув тежовчи технологиялар ўрнатилади.

Шунингдек, бундай лойиҳаларга ер ажратиш тизими ҳам ўзгаради. Маҳаллий ҳокимлар ҳосилдорлиги паст ерлар ўрнида боғ барпо этиш бўйича тақлиф киритади. Улар очик электрон танлов асосида 30 йил муддатгача ижарага берилади.

Президентимиз боғ ва тоқзорларни саноатлашган тарзда барпо этиш муҳимлигини айтди.

– Асосий мақсадимиз қишлоқ хўжалигини илмий асосланган, БМТнинг Озёқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг энг яхши тажрибаларини татбиқ қилган ҳолда ривожлантириш, – деди Шавкат Мирзиёев.

Тақдимотда иссиқхона хўжаликларидан ҳам самарали фойдаланиш, уларни электр энергияси, табиий газ ва айланма маблағ билан таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда сувни тежаш – долзарб масала. Ҳудудларда 732 минг гектар пахта ва галла майдони ички насос агрегатлари орқали суғорилмоқда. Уларнинг 41 фоизиди энергия истеъмоли юқори.

Шу боис пахта ва галла етиштирувчилар ихтиёридаги насосларни модернизация қилиш учун бир марталик субсидия ажратишни йўлга қўйиш тақлифи билдирилди. Бу орқали электр энергияси сарфи ва суғориш вақтини 60 фоизгача камайтиришга, пировард натижада маҳсулот таннархини пасайтиришга эришилади.

Давлатимиз раҳбари бу тақлифларни маъқуллаб, уларни такомиллаштириш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Ў.А.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Тадбиркорларнинг мурожаатлари қабул қилинди



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Давронжон Адилов ҳамда Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов бошчилигида қурилиш соҳасида меҳнат қилаётган бир қатор тадбиркорларнинг мурожаатлари қабул қилинди.

Учрашувда таъкидланганидек, вазирлик томонидан ишлаб чиқилган рейтинг платформасида 2022 йилда жами 20 140 та қурилиш-пудрат



ташкilotи мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги даврга келиб уларнинг сони 23 576 тага кўпайган. Инсон омилнинг бартараф этилиши ҳамда очик ва шаффоф талаблар белгиланиши натижасида қурилиш-пудрат ташкilotлари ўртасида рақобат муҳити тобора соғломлашиб бормоқда.

Жумладан, бугунги кунга қадар электрон тендер платформасида жами 67 887 та тендер ўтказилган бўлиб, уларда 13 811 та ташкilot иштирок этган. Ўтказилган тендерларнинг қиймати 41 трлн сўмдан ортиқ бўлиб, 39,01 трлн сўмлик шартномалар тузилган. Электрон тендер платформасида тежалган маблағлар 2 трлн сўмдан ортиқни ташкил этади. Қўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодиёти барқа-

рор ўсиб, қурилиш соҳасида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда.

Соҳада ҳали ечимини қутаётган масалалар ҳам талайгина. Учрашув ҳам аynи мақсадда соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда соҳани ривожлантириш, қурилиш ва лойиҳа ташкilotларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича тақлифларни амалга оширишни назарда тутди. Шунингдек, унда тадбиркорлар томонидан бир қатор масалалар ўртага ташланди. Тақлифлар ўзаро муҳокамаларда кўриб чиқилди. Тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларнинг олдини олиш юзасидан тегишли масъулларга аниқ топшириқлар белгиланди.

ШНҚлар модернизация қилинмоқда

Вазирлик ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти раҳбарияти Халқаро молия корпорациясининг (IFC) молия сектори катта мутахассиси Сакши Варма бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.



Унда республикадаги тегишли манфаатдор вазирликлар билан амалга оширилаётган “яшил бинолар” лойиҳалари ва мамлакатда шу каби бинолар учун меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар режаси муҳокама қилинди. Учрашув сўнггида томонлар “2.07.05-19



Яшил қурилиш. Турар жой ва жамоат бинолари” ШНҚларига халқаро талаблар асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ушбу йўналишда ипотекага ёндашуви ривожлантириш, EDGE, LEED, BREEAM сертификациялаш тизимлари бўйича семинарлар ташкил этишга келишиб олишди.

Малака ошириш дарслари давом этмоқда

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш йўналишида назорат тадбирларини амалга оширувчи ходимлар учун малака ошириш дарслари бўлиб ўтмоқда.



Малакали мутахассислар томонидан тингловчиларга халқаро стандартлар асосида дарсларнинг ташкил этилиши ҳамда назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги “Салар” оқова сув тозалаш

иншоотида амалий дарслар ўтказилди. Жараёнда тингловчилар иншоотда оқова сувларнинг қай тартибда тозаланиши, сувнинг истеъмолчиларга қандай ҳолда тақсимланиши жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

Буюк Британия элчихонаси вакиллари билан учрашув

Вазир ўринбосари Озода Жўраева бошчилигидаги масъуллар Буюк Британия элчихонаси вакиллари, хусусан, элчи Тимоти Смарт ва бир қатор мутасаддилар билан учрашдилар.



Дастлаб вазир ўринбосари учрашув иштирокчиларига вазирлик фаолияти, қурилиш-коммунал соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, хусусан, тизимни рақамлаштириш, соҳада энергосамарадорлигини ошириш каби ишлар ҳақида маълумот берди. Шунингдек, соҳада мутахассислар малакасини ошириш юзасидан олиб борилаётган амалий ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

– Мамлакатимизда қурилиш ва аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, – деди Озода Жўраева. – Иқтисодиётимизнинг энг муҳим тармоқларини ривожлантириш орқали биз, энг аввало, юртбошимиз бошлаб берган улкан гоё, халқ манфаатининг ҳар нарсадан устунлигини таъминлаш йўлида ҳаракат қилмоқдамиз. Бу йўлда ҳорижийнинг энг илгор тажрибаларини ўз амалиётиимизда қўллашдан манъун бўламиз.

Учрашувда, шунингдек, Буюк Британиянинг CONNEX платформаси, Ўзбекистоннинг мазкур платформага кириш имконияти ва қўллаб-қувватлаш учун инвестицион лойиҳаларга ёрдам бериш масалалари бўйича маълумот берилди. Мулоқот якунида томонлар ўзаро ҳамкорлик лойиҳалари ва унинг имкониятларини кўриб чиқишга келишиб олдилар.

ТАБИАТНИ АСРАШ ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ТАҚЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва туризм соҳаларидаги тақлифлар тақдироти билан танишди.

Ҳозирги кунда ҳавони мусалффо сақлаш, экологик ҳодисаларнинг таъсирини камайтириш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис бу борада иккита дастур ишлаб чиқилди.

Биринчиси – Чанг бўронларига қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини юмшатиш бўйича 2024-2030 йилларга мўлжалланган миллий дастурдир. Бу ҳужжатда “Евро-4” стандартидан паст тоифадаги ёқилғини сотиш ва ундан фойдаланишни босқичма-босқич тўлиқ тақиқлаш назарда тутилади. Бунинг учун Бухоро ва Фарғона нефтини қайта ишлаш заводлари юқори сифатли ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича модернизация қилинади.

Иккинчиси – Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури бўлиб, унга кўра, келгуси 5 йилда пойтахтимиз ва унга туташ Тошкент вилояти туманларида 441 гектар “яшил белбоғ” ва боғлар ташкил қилинади.

Санитар тозалаш ишларини тартибга солиш мақсадида мавжуд марказ негизида Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигини тузиш тақлиф этилмоқда. Санитар тозалаш корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичларига қараб, учта тоифага ажратган ҳолда рейтинг тизими жорий қилинади.

Янги қуриладиган, баландлиги 12 метрдан ёки умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган биноларни лойиҳалаштиришда унга туташ ҳудудларнинг камида 25 фоизини кўпаламзорлаштириш талаби қўйилади. Шунингдек, атроф-муҳитга зарари кўп саноат корхоналари ҳам “яшил белбоғ”лар барпо этиш мажбуриятини олади.

Экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Фаол ва жонқуяр инсонларни рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог” фахрий унвонини таъсис этиш тақлифи билдирилди.

Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва одил судловга эришиш имконияти тўғрисидаги Орхус конвенциясига қўйилиш масаласи кўриб чиқилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза

қилиш талабларига риоя қилмаслик бўйича модда киритиш мақсада мувофиқлиги айтилди. Шунингдек, дарактларни кесиб ва қасддан қуритиш, дарё ўзанида нақсоний кум-шағал қазиб олиш, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш кабилар учун жазималарни ошириш ва қатъийлаштириш чоралари кўрилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги қарори билан республикада экологик маркировкалаш тизими жорий этилган. Энди ISO 14024 халқаро стандартига мувофиқ, “Yashil belgi” номи остида маҳсулот ва хизматларни ихтиёрий экологик маркировкалаш йўлга қўйилади. 2 минг 336 та хўжалик юритувчи субъектларда автоматик мониторинг станциялари, чанг-газ тозалаш ускуналари ва сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш бўйича тармоқ жадваллари тасдиқланади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузурида жамоатчилик назорати остида бошқариладиган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Яшил хайрия жамғармаси” ташкил этилади. Электрон харид иловаларида “Яшил тўлов” ихтиёрий устама тури очилади.

Соҳадаги яна бир муаммо ёввойи ҳайвонларни асраш билан боғлиқ. Уларни хонадонларда боқиш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солилмаган. Шу боис энди ёввойи ҳайвонларни уй шароитида, цирк ва шапитоларда сақлаш ҳамда томошаларда фойдаланиш тақиқланади. Жисмоний шахслар ихтиёридаги ҳамда циркларда сақланувчи бундай жонзотлар ҳайвонот боғларидаги реабилитация марказларига, океанариумлар, питомник ва илмий-тадқиқот муассасаларига топширилиши белгиланмоқда.

Тақдимотда тиббий туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам муҳокама қилинди.

Шу мақсадда Ўзбекистон бу йўналишда Марказий Осиёнинг “чорловчи нуқтаси” сифатида тарғиб қилинади. “Тиббий хизматлар меҳмондўстлиги” дастури амалга оширилади. Тиббий ва соғломлаштириш муассасалари фаолияти рағбатлантирилиб, уларнинг ягона реестри ишга туширилади. Меҳмонхоналар каби юлдузли санаторийлар фаолияти йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари булар бўйича ҳужжат лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш ва ижросини самарали ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.



НАЗОРАТ БОР ЖОЙДА КАМЧИЛИК БЎЛМАЙДИ

Умар МИРЗАЕВ, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

Мамлакатимизда янги турар жой биноларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хар йили минглаб янги уй-жойлар кўплаб эҳтиёжманд аҳолига топшириляпти. Қанчадан-қанча оилалар янги хонадонларга эга бўлмоқда. Шу жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам қурилиш-бунёдкорлик ишлари йил сайин авж оляпти. Янги шахарчалар, массивлар барпо этилиб, кўп қаватли турар жойлар ва ижтимоий соҳа иншоотлари қад ростляпти.



Соҳага хусусий секторнинг жалб этилиши, давлатимиз томонидан яратиб берилаётган қулайликлар, аҳолининг демографияси ўсиши, уй-жойга бўлган талабнинг юқорилиги қурилиш жараёнининг жадаллашишида асосий омилдир. Аслида, бу халқимиз кутган ва орзу қилган кунлар эди.

Қурилишдаги кўпгина муаммолар хусусий сектор тўғрисида бўлган бошқича-бошқич ҳал этила бошлади. Бунёдкорлик қўламининг ошиб бориши натижасида янги уй-жойлар, ишчилар сони ҳам кўпайди. Янгидан янги лойиҳалар яратилиши тўғрисида қурилиш жараёнида қатъий қарор қабул қилинади. Ўз-ўзидан лойиҳалар сони ошгани сари назорат асосий ўринга чиқади. Чунки халқимизга сифатли хизмат кўрсатиш асосий мақсадимиз экан, ҳар бир объектида олиб борилаётган қурилиш ишларини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Назорат бор жойда эса қурилишда камчилик ва нуқсонларга деярли йўл қўйилмайди. Қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси фаолиятига, иш тутумига аҳоли ҳаммиси ишонч билдирди. Уларнинг назоратига ишонган ҳолда уй-жой харид қилади. Бу эса назорат инспекциясидан юқори даражадаги масъулият ва жавобгарлиқни талаб этади. Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган 2023 йил мобайнида инспекция мутахассислари рўйхатга олинган 1071 та объектда белгиланган вақтда мониторинг ўтказишди. Аниқроғи, бундай мониторинглар 8110 мартаба ташкил этилди. Натижада 18401 та қоидабузарлик ҳолати аниқланди. Жами 4879 та, шундан пудратчиларга 872 та, буюртмачиларга 2451 та, лойиҳачиларга 1556 та ёзма кўрсатма бе-

рилди. Шунингдек, берилган ёзма кўрсатмалар бўйича аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги сабабли, корхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан 356 та маъмурий жарима қўлланилди.

Бундан ташқари, шахарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари кўпол равишда бузилган ҳолатлар юзасидан демонтаж қилиш бўйича 42 ҳолатда тўп-ланган материаллар суд органларига юборилди. Бундай ҳолатларнинг 6 тасида қаватлар ўзгартрилиши, 2 тасида конструкциялар бузилиши, 2 тасида сифатсиз қурилиш ишлари ва 32 тасида бошқа салбий ҳолатлар кузатилди. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддасига асосан, ўтган йилда қоидабузарларга нисбатан 730 та маъмурий жарима қўлланилган. Ноконуний қурилиш объектларини бартараф этиш бўйича 690 марта мониторинг ўтказилган. Улардаги ўрганишлар давомида 508 та ноконуний қурилиш объекти аниқланган. Уларнинг 312 тасига маъмурий жарима қўлланилган, 4 та якка тартибдаги турар жой тоифасидаги қурилмага кадастр ҳужжати расмийлаштирилган, 210 тасининг шахарсозлик ҳужжати расмийлаштирилиб, инспекциядан рўйхатдан ўтказилган. Қолган 294 та объект бўйича шахарсозлик ҳужжатларини расмийлаштириш чора-тадбирлари қўриш масаласи мутахассислар диққатига ҳавола қилинган.

Айтиш керакки, бундай объектларнинг 234 тасини савдо ва хизмат кўрсатиш, 26 тасини кўп хонадонли турар жойлар, 35 тасини ишлаб чиқариш бинолари ташкил этади. Шунингдек, ушбу объектлар бўйича 359 та оғохлангириш хати берилган, 365 та қурилиш тўхтатиш юзасидан маҳаллий ҳокимликларга 11 та

ҳамда прокуратура органларига 61 та хат юборилган.

Шу ўринда эслатиб ўтмоқчиманки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 ноябрда "Шахарсозлик фаолиятида рухсат бериш тартиб-тамоилларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблаш тўғрисида"ги 619-қарори қабул қилинган. Унга мувофиқ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмасдан қурилган объектларнинг инструментал техник текширувдан ўтказиб, фойдаланишга рухсат бериш ишларини тўхтатиш белгиланган. Шунга қўра, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмасдан қурилиш ишларини амалга ошириш ҳолатлари мавжуд бўлса, объектларни қонунийлаштириш юзасидан зарур бўлган тушунчаларни олиш учун инспекцияга мурожаат этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 июндаги "Био ва иншоотларнинг сейсик мустаҳкамлигини баҳолаш ҳамда электрон техник паспортларни шакллантириш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги 405-қарорига асосан, янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган объектлардан 266 таси "Сейсик фаол ҳудудларда жойлашган био ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган платформаси"га киритилиб,

техник паспортлари тўлиқ шакллантирилади.

Жорий йилнинг биринчи август ҳолатига қўра, амалга оширилган назорат тадбирлари ҳақида сўз юритсак, бу даврда жами 924 та объект рўйхатга олинган. Уларда ўтказилган 17663 та мониторинг натижасига қўра, 16426 та қоидабузарлик ҳолати аниқланиб, 6075 та ёзма кўрсатма берилди. Аммо айтиш керакки, бундай кўрсатмалар ҳар доим ҳам қоидабузарлар, айрим мансабдорлар томонидан тўлиқ бажарилавермайди. Шундай сабаблар тўғрисида ушбу маълумотларни қўра, 324 ҳолатда маъмурий жарима қўлланилди. Ноконуний қурилиш объектларини бартараф этиш бўйича 354 та мониторинг ўтказилган. Қоидабузарликларнинг 236 тасига маъмурий жарима қўлланилиб, 144 та объектнинг шахарсозлик ҳужжатлари расмийлаштирилди ҳамда инспекция рўйхатдан ўтказилишига эришилди.

Шунингдек, ушбу объектлар бўйича 358 та қурилиш тўхтатиш БМ-619 бўйича 710 та оғохлангириш хати чиқарилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 июндаги 405-сонли қарорига асосан, янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган объектлардан 771 таси "Сейсик фаол ҳудудларда жойлашган био ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган платформаси"га киритилиб, техник паспортлари тўлиқ шакллантирилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳудудий инспекциямиз томонидан вилоят ҳудудида барпо этилаётган объектлар доимий назоратга олинган. Зеро, назорат қилиш бўлган жойда жиддий қўнғузбузиш ва бошқа салбий ҳолатларнинг албатта, олди олинади.

Шахарсозлик соҳасидаги низолар қандай ҳал этилади?

Саидносир УСМОНОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати раҳбари.

Шахарсозлик соҳасидаги низоларни судга қадар қўриб чиқиш ва ҳал этиш тизими жорий этилди. Эндиликда мазкур масала билан тегишли вазирлик ва идораларнинг мутасадди вакилларида иборат комиссия шўғулланади.

Ушбу комиссия бино ва иншоотнинг ташқи қўринишини ўзгартiriш-ни келишиш бўйича берилган ҳулоса, бино ва иншоотларнинг ихтисосла-шишини ўзгартiriш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳуду-дида қўшимча биноларни қуришни лойиҳалаштиришга рухсатнома олин-ганлиги ҳақидаги маълумотларни ўр-ганиб чиқади.

Шунингдек, архитектура-режа-лаштириш топшириғи, ҳудудий архи-тектура-шахарсозлик кенгаши қарори ва ушбу кенгаши ишчи орга-ни ҳулосасига доир ҳужжатларнинг қонуний берилганлигини ўрганиб чиқиб, қарор қабул қилади. Мазкур тартиб Вазирлар Маҳкамасининг жо-рий йил 12 августдаги "Шахарсозлик соҳасидаги низоларни судга қадар қўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қаро-ри ҳамда Шахарсозлик кодексининг 20-моддасига мувофиқ амалга оши-рилмоқда. Бу билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига ўз ваколати доирасида шахарсозлик фаолияти субъектлари ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш вазифаси юкланмоқда.

Агарда манфаатдор шахс комис-сия қарорларидан норози бўлса, мазкур низолар суд тартибиде қўриб чиқилади. Яъни, комиссияга мурожа-ат қилиш ихтиёрий бўлиб, бу улар-нинг бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқини чекламайди. Таъкидлаш ло-зимки, судларда қўриб чиқилган ёки қўриб чиқилаётган низолар комиссия томонидан қўриб чиқилмайди. Ман-фаатдор шахс ваколатли органнинг рухсат этиш ҳусусиятига эга ҳужжати ёки бундай ҳужжатни беришни рад этиш ҳақидаги қарори, шунингдек, ҳа-ракатлари бўйича комиссияга муро-жаат қилиши мумкин.

Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахсларнинг шахарсозлик соҳасидаги қонуний манфаатларини қўзғаб, ваколатли давлат органлари ёки аниқланган қонун бузилиши ҳо-латлари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам комиссияга мурожаат қилиши мумкин. Мазкур ко-миссия таркиби Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг жо-рий йил 16 сентябрдаги 226-сон буй-руғи билан тасдиқланади.

Қайд этиш керакки, комиссия ййигилишида масалага алоқадор ко-миссия аъзоларининг ўчдан икки қисми иштирок этган тақдирда, ва-колатли ҳисобланади. Ййигилиши ўтказиш учун қворум шаклланмаган тақдирда, комиссиянинг янги мажли-си ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида белгиланган тартибда хабар-нома юборилади. Бунда, рухсат этиш ҳусусиятига эга ҳужжатни қабул қил-ган ёки қабул қилишни рад этган ман-сабдор шахс комиссия аъзоси бўлиши мумкин эмас. Комиссия ўзига юклан-ган вазифаларни амалга ошириш ва мурожаатларни кўриб чиқишда, зарур ҳолларда, тегишли ташкилотларнинг вакиллари билан қилиши мумкин.

Мурожаатлар кўриб чиқилиши тенг ҳуқуқлилик, ҳолислик, қонуний-лик, коллегиялик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъмин-лаш ҳамда мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш принципларига асосла-нади. Манфаатдор шахс комиссияга оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда вазирлиқнинг электрон почта ёки расмий веб-сайти орқали мурожаат қилиши мумкин ва унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

– рухсат этиш ҳусусиятига эга ҳуж-жатни қабул қилган ёки уни қабул қилишни рад этган ёхуд ҳаракат ва ҳаракатсизлиқни амалга оширган ва-колатли органнинг номи;

– мурожаат этган жисмоний шахс-нинг ёки вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи, юридик шахс учун эса унинг номи ва жойлашган жойи;

– мурожаат этган шахснинг талаб-лари, илова қилинаётган ҳужжатлар-нинг рўйхати, мурожаат этилган сана кўрсатилиши талаб этилади.

Комиссия котиби келиб тушган мурожаатнинг Низоми талабларига мувофиқлигини текширади ва уни комиссия мажлисида қўриб чиқиш-га тайёрлайди. Мурожаат ушбу Ни-зом талабларига номувофиқлиги аниқланганда, камчиликларни барта-раф этиш учун бир иш куни мобайнида манфаатдор шахсга қайтаради. Муро-жаат келиб тушган кундан бошлаб ўн беш иш кунида комиссия томонидан қўриб чиқилади. Бунда мурожаатда кўтарилган масалалар уларни бево-сита жойида ўрганиш, бошқа тегишли ҳужжатлар ва материалларни олиш ҳамда бошқа тегишли ташкилотнинг вакиллари билан қилиши талаб этган тақдирда, уни қўриб чиқиш муд-дати қўшимча ўн беш иш кунига узай-тирилиши мумкин.

Агар қонунда бошқача қоида на-зарда тутилмаган бўлса, мурожаат рухсат этиш ҳусусиятига эга ҳужжат ёки уни рад этиш ҳақидаги қарор қа-бул қилинган пайтдан ёки ваколат-ли органнинг ҳаракатлари маълум бўлган пайтдан эътиборан 30 кун-дан кечиктирмай берилиши мумкин. Манфаатдор шахс ёки унинг қонуний вакили комиссия томонидан муро-жаат қўриб чиқилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бунда комиссия манфаатдор шахс ёки унинг қонуний вакилининг талабига қўра муҳомама-ни видеоқонференцапола воситала-ридан фойдаланган ҳолда ўтказиши мумкин.

Комиссия котиби икки иш кунида комиссия қарорини ариза берувчига юборади ҳамда қарорни "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидан қўра Шахарсозлик соҳасидаги низо-ларни судга қадар ҳал қилиш реестрига киритади. Таъкидлаш керакки, маз-кур жараёндар жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги низоларни тезда ўрганиб чиқиш ҳамда ортиқча овора-гарчилиқни олдини олиш мақсадида амалга оширилмоқда.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг истикболли лойиҳалари

Хулқар ЖўРАЕВА, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Ахборот хизмати бош мутахассиси.

Хар соҳада тараққий этаётган юртимизда аҳолига фаровон турмуш тарзини яратиш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тизимида ҳам самарали ишлар олиб бориладиганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил-нинг 12 июль куни “Гидроэнергетика соҳасини ис-лох қилиш чора-тадбирларини жадаллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-252-сон қарори билан гидроэнер-гетика соҳасини 2028 йилгача ривожлантириш бўйича 5 йиллик дастур тасдиқланди. Президен-тимизнинг соҳа тараққиётини тубдан ўзгартирган ушбу қарори орқали 2028 йилгача мавжуд 2 228 МВт қувватларни қарийб 2,5 баробарга ошириш, йиллик экологик тоза электр энергия ишлаб чиқа-риш ҳажмини 15,7 млрд кВт соатга етказиш режа-лаштирилган.

Ушбу лойиҳаларни қуришга 6,5 млрд доллар инвестиция маблағлари жалб қилинади. Дасту-рининг амалга оширилиши натижасида жамият тар-кибидаги ГЭСлар сони 120 тага етказилиб, 3 000 та янги иш ўрни яратилади ҳамда 4,2 млрд м³ табиий

газ иқтисод қилинади. Шунингдек, дастурга қўра, қувватларни ошириш бўйича йилма-йил қатор ло-йиҳалар амалга оширилиши мўлжалланган. Хусу-сан, 2025 йилда қиймати 430 млн доллардан ибо-рат 12 та лойиҳа доирасида жами 16 та, шундан, 10 та йирик ГЭС ва 6 та микроГЭС ишга туширилади. Бу-нинг натижасида қўшимча 900 млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади ва 375 минг хонадон электр энергияси билан таъмин-ланади. Ўз навбатида, бу орқали 300 дан ортиқ янги доимий ва қурилиш даврида эса 1500 та иш ўрни яратилади.

Эътиборлиси, бу кўрсаткич “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ташкил этилгандан буён, яъни 7 йил ичидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Умуман, дунё гидроэнергетика соҳасининг ри-вожланишига назар соладиган бўлсак, гидроэнерге-

тика салоҳиятини ўзлаштириш даражасига нисбатан бир йилда ишга туширилаётган ва қурилиши амалга оширилаётган ГЭСлар сони бўйича республикамиз пешқадамлик қилмоқда. Буларнинг барчаси Прези-дентимизнинг соҳага алоҳида эътибор қаратаётгани натижасидир. Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган қарори асосида тасдиқланган Дастурга мувофиқ, 2025 йилда умумий қуввати 2 204 МВт бўл-ган 17 та ГЭС лойиҳаси фаол босқичга ўтказилади. Бунинг учун жорий йил якунига қадар жами қуввати 449 МВтга тенг бўлган 9 та лойиҳа доирасида давлат кафолати остида хоржий кредитларни жалб қилиш бўйича молия ташкилотлари билан келишувлар им-золанади ва фаол босқичга ўтказилади.

Ушбу ГЭСларда 2025 йилдан қурилиш-монтаж ишлари бошланади. Шунингдек, жами қуввати 1 755 МВтга тенг бўлган 8 та лойиҳани, хусусан, Киштут ГЭС, Ойганинг ГЭСлар каскади, Юқори Пском ГТЭС, Хўжакент ГТЭС, Айдарқўл ГТЭС ва Қаратарен ГТЭС лойиҳалари ТИАси ишлаб чиқилади ва экспертиза марказига ҳулоса олиш учун киритилади. Қўшим-ча равишда 2024 йилнинг иккинчи ярмида умумий қуввати 12,3 МВт бўлган микроГЭСлар ҳам ишга ту-ширилади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, республика-да биринчи бор Гидротўплаш электр станцияла-

рини қуриш ишлари бошланади. Жорий йилда умумий қуввати 1 600 МВтдан иборат 4 та йирик ГТЭС ТИАлари ишлаб чиқилади ва 2025 йилдан инвесторлар билан келишувлар олиб борилади. ГТЭСларни ТИАлари бундай иншоотларни лойи-ҳалаштириш ва қуриш бўйича бир неча йиллик юқори тажрибага эга бўлган Россия ва Хитой (China Southern Power Grid International) компаниялари томонидан лойиҳалаштирилмоқда. Мазкур ГТЭС-лар электр энергиясига талаб юқори бўлган – Қо-рақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Тошкент вилоятларида барпо этилади.

Айтиш керакки, мазкур станциялар энергетика балансида жуда самарали ҳисобланади. Ривожлан-ган давлатларда ГТЭС станциялари кўп-лаб қурил-ган ва ҳозирда ҳам қурилмоқда. ГТЭС энергетизм балансини ушлаб туришдаги асосий қувватлар яра-тувчи объектдир. Улар куннинг электр энергияга бўлган талаби юқори вақтларда, яъни, эрталаб ва кечки пайтда катта ҳажмдаги электр энергиясини ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиш ва тун-ғи вақтларда электр энергия ишлаб чиқариш учун сарфланган сувни насос агрегатлари ёрдамида юқори сув ҳавзасига қўтариб беради.

Албатта, ГТЭСлар қурилишда аввало, замона-вий асбоб-ускуналар талаб этилади. Бугунги кун-

га қадар лойиҳалар доирасида асбоб-ускуналар импорт қилиб келинмоқда. Эндиликда маҳаллий-лаштириш орқали иморат ҳажмини қисқартiriш мақсадида 2025 йилда қуввати 40 МВтгача бўлган гидроагрегатларни ишлаб чиқариш қувватига эга, Ўрта Осиёда ягона бўлган замонавий завод қури-либ ишга туширилади. Натижада 250 та янги иш ўрни яратилиб, экспорт йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, соҳада халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш гидроэнергетикани янада ривожлантириш учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу борада, аввало, соҳада юқо-ри тажрибага эга бўлган Хитойнинг илгор компа-ниясидан 50 га яқин юқори малакали конструктор, муҳандис ва технологлар жалб қилинади. Маҳаллий мутахассислар малакаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнида ошириб борилади. Биринчи босқичда жамият ходимлари Хитой давлатида ўқиб тажриба орттириб келадилар.

Ҳулоса сифатида айтадиган бўлсак, юқорида қайд этилган истикболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши юртимиздаги юз минглаб хонадонни нурафшон этади, кенг аҳоли қатламнинг маиший эҳтиёжларини қондиради, кўп-лаб бизнес ва тад-биркорлик субъектлари учун янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР

сирдарёлик юртдошларимиз кайфиятига
ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда

Бугунги кунда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ҳамда улар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Давлат дастурлари асосида Сирдарё вилоятида ҳам кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳаётбахш ислоҳотлар натижасида нафақат шаҳару қишлоқлар қиёфаси ўзгарди, балки аҳолининг турмуш даражаси ҳам юксалганини таъкидлаш ўринлидир.

Зеро, “Инсон қадри учун”, деган ғоянинг ҳаётдаги амалий ифодаси сифатида вилоят миқёсида олиб борилаётган ишлар сирдарёлик юртдошларимиз кайфиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, уларда яхши яшашга ишתיёқ уйғотиб, ишлаш ва ривожланиш учун шижоат бағишлаётгани рост.

Сайхунободда янги мини корхона иш бошлади

Сайхунобод тумани 3-сектор раҳбари Ж. Шеркулов ҳамда ҳоким ёрдамчиси Б. Шомуродов Турон маҳалласида яшовчи фуқаро Хумоюн Ҳайдаровнинг қобилиятидан келиб чиқиб, унга “Хумотекстил-111” МЧЖ ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатишди.

Ҳоким ёрдамчисининг ижобий тавсияномасига асосан, тумандаги пахта етиштириш кластери билан боғланган ҳолда олинган ип-калава хомашёдан мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хитой давлатидан жами 4 дона қиймати 680 млн сўм бўлган дастгоҳ олиб келиб ўрнатилди. Ҳозирги кунда тадбиркор 5 нафар ишсиз фуқарони доимий иш билан таъминлашга муваффақ бўлган.

Иил якунига қадар Сайхунобод туманида бундай кичик ишлаб чиқарш мини корхоналари сони 2000 тага етказилиши режалаштирилган.

Мажбурий бадал тўловлари нималарга сарфланмоқда?

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 1 805 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларга 31 та бошқарув сервис компанияси ва 1 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатиб келмоқда.



Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси назорати остида Бошқарув сервис компаниялари томонидан 2024 йилнинг 6 ойи мобайнида аҳолидан йиғилган мажбурий бадал тўловлари ҳисобидан 52 та кўп қаватли уйнинг том қисмида жорий таъмирлаш ишлари бажарилган. 166 та кириш йўлаклари таъмирдан чиқарилиб, темир эшиклар ўнатилган. Уйларнинг электр тақсимловчи шитлари, ертўла қисмидаги оқова сув муҳандислик тармоқлари, 31 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми таъмирланиб, 205 та энергия тежамкор сенсор лампаларини ўрнатиш ишлари амалга оширилди. Қолаверса, 4 та кўп қаватли уйнинг пидедалар йўлаклари бетон билан қопланди.

Шунингдек, Давлат дастурига асосан, бюджет маблағлари ҳисобидан 24 та кўп қаватли уйнинг том қисмини мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Ноқонуний қурилмалар бартараф этилди

Янгиер шаҳар “Шукрона” МФЙ Самарқанд кўчасидаги 4-сонли кўп қаватли уйнинг умумий фойдаланишда бўлган жойлари фуқаролар томонидан рухсатсиз эгаллаб олиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, фуқаролар кўп қаватли уйнинг кириш йўлагидagi умумий фойдаланиш қисмини ўз эҳтиёжлари учун омборхона сифатида фойдаланишган. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг масъул ходимлари томонидан ҳолат юзасидан 4 нафар фуқарога нисбатан тегишли тартибда мажбурий кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, Янгиер шаҳри, А. Жомий номидаги МФЙ А. Жомий кўчасида жойлашган 3-“А” сонли кўп қаватли уй ертўласидан фойдаланиш қоидаларини қўпол равишда бузганлиги сабабли 2 нафар фуқарога нисбатан “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 159-моддасига асосан 6,8 млн сўм миқдорида жарима қўлланилди.

Бундан ташқари, Янгиер шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими, Сирдарё вилояти Шаҳарсозлик соҳасида профилактика бўлими ва Янгиер шаҳар ФВБ ходимлари томонидан шаҳар ҳудудида жойлашган “Янгиер Флоур Трединг” МЧЖда олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан назорат тадбирлари ўтказилди. Дастлаб, объектнинг қурилиш учун белгиланган лойиҳа ҳужжатларидаги бинонинг ёнғин хавфсизлиги ҳамда сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича бандлари ўрганилиб, шу асносида ишлар олиб борилиши таъкидланди. Шунингдек, уста қурувчиларга техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда ишлашлари бўйича йўриқномалар берилди.

Дастурлар ижроси таъминланяпти

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ҳамда қулай шароитлар яратиш мақсадида Давлат дастурлари асосида Сирдарё туманининг Навоий номидиги маҳаллада “Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла” мезонларини жорий қилиш, ҳудуднинг инфратузилмасини яхшилаш борасида кенг қўламдаги амалий ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, Дастур доирасида “Худудий электр тармоқлари” АЖ Сирдарё худудий филиали томонидан маҳалладаги эски ёғоч устунлар янги-сига алмаштирилиб, замонавий СИП ҳаво тармоқлари тортил-япти. Маҳаллага 155 дона темир-бетон устун, 1 дона янги трансформатор пункти ўрнатилди ҳамда 3 километр СИП тармоқлари тортилди. Ушбу ишлар якунида маҳалладаги 120 дан ортиқ аҳоли хонадонининг электр энергияси сифати яхшиланади.

Шунингдек, давлат дастурлари доирасида Сирдарё туманининг Камолот маҳалласида ҳам электр таъминоти-ни яхшилаш бўйича белгиланган режа асосида ишлар ташкил қилинмоқда. Дастур доирасида ушбу маҳаллада 102 дона янги темир-бетон таянч ўрнатилиб, 3 километр электр узатиш тармоқлари қуриш ҳамда 1 дона 250 кВА қувватдаги янги трансформатор пункти ўрнатиш бўйича иш жараёнлари бошланган. Ушбу ишлар якунида маҳалладаги 200 га яқин аҳоли хонадонидан электр таъминоти яхшиланиши кўзда тутилган.

Аҳоли муаммолари ҳал этилмоқда

Сардоба туманида катта ўзгаришлар ва аҳолига қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу жараёнда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ходимлари ҳам фаол иштирок этиб, улар томонидан аҳоли муаммолари ўрганилмоқда.

Хусусан, тумanning “Дўстлик” МФЙ ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларда истикомат қилувчи аҳолига ноқулайлик туғдираётган марказий оқова сув тармоқларидаги носозликларни бартараф этиш учун “Дўстлик уй-жой коммунал” МЧЖ Бошқарув сервис компанияси ходимлари ўрганиш ишларини олиб боришди. Ушбу марказий оқова сув тармоқларида аниқланган тиклишлар БСК ишчи-ҳодимлари ва махсус техника ёрдамида тозаланиб, муаммолар тўлиқ бартараф этилди. Қолаверса, “Халқабод” МФЙ ҳудудидаги кўп қаватли уйларда истикомат қилувчи фуқаролар фойдаланадиган умумий хожатхона ҳам компания томонидан махсус техника ёрдамида тозалаб берилди.

Таъмирлаш ишлари билан танишилди

Сардоба тумани ҳокими Зиядулла Каримов маҳаллаларда олиб борилаётган реконструкция ва таъмирлаш ишлари билан танишди.

Хусусан, Бирлашган маҳалласидаги 2,5 километр ҳаво электр узатиш тармоғи реконструкция қилинмоқда. Реконструкция ишлари доирасида 41 та бетон устун ўрнатиляпти. Бундан ташқари, Пахтакор маҳалласидаги “Баҳор” ОШП биносини таъмирлаш ишлари ҳам бошланиш арафасида. Шунингдек, Зомин ва Кўргонтепа маҳаллаларини боғловчи автомобиль йўлининг 3 километр қисмида асфальтбетон қопламасини ётқизиш ишлари бошланган.

Амалга оширилаётган ишлар туман ҳокими ва сектор раҳбарлари томонидан ўрганилиб, масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Йўллар ҳолати яхшиланди

Маҳаллий аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган ва вилоят ҳокимининг қабулида бир неча маротаба қўтарилган муаммо – Сардоба туманидаги Равот, Зомин ва Бўстон маҳаллаларини вилоят маркази билан боғловчи давлат аҳамиятидаги 4Р-33 автомобиль йўлини (Сардоба сув омбори айланма йўли) таъмирлаш ишлари бошланди. Ушбу жараёнга 2 та махсус техника, 10 га яқин ишчи-ҳодим ва муҳандис-техниклар жалб қилинган.

Шунингдек, Боёвут туманидаги маҳаллалар ички йўллари ҳам таъмирланиб, аҳолининг кўп йиллик муаммолари ҳал этилмоқда. Шу мақсадда, манзилли дастур асосида “Маънавият” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ўзбекистон, Қўшқанд ҳамда Камарбаста кўчаларининг 810 метр ички йўллари таъмирланиб, асфальт қопламаси ётқизилди.

Бундан ташқари, тумanning “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳоли вакиллари ҳам ўзаро бирдамлик ва ташаббус кўрсатиб, “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали ўз маҳалла йўлларини таъмирлаш учун овоз беришда фаол иштирок этган эди. Эзгу ният ва уюшқоқлик билан қилинган ҳаракат ўзини оқлаб, 2687 та овоз йиғилди. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирлар доирасида бюджетдан йўналтирилган 1 млрд 300 млн сўмдан зиёд маблағ эвазига маҳалланинг 3 минг 200 метрга яқин ички йўллари таъмирланиб, асфальтланди.

Электр энергияси иқтисод қилиняпти

“Сирдарё ИЭС”да жорий йил бошидан ҳозирга қадар “яшил” станцияси орқали 1,39 млн кВт соат электр энергияси иқтисод қилинди.

Мазкур электр станциясида умумий ўрнатилган қуввати 1,9 МВт бўлган қуёш фотоелектр станцияси корхонанинг ўз эҳтиёжлари учун хизмат қилмоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш эвазига 2024 йилнинг ўтган даври мобайнида жами 1,39 млн кВт соат электр энергияси иқтисодида эришилди. Бу 6 минг 971 та хонадонни бир ой давомида таъминлашга етадиган электр энергияси демакдир. Бу билан 121 минг 233 кубметр табиий газ иқтисодида эришилди.

Маълумот учун, “яшил” станциядан кунига 7,3 МВт қувватдаги электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, станцияда ўрнатилган умумий ҳажми 6 200 литр бўлган 31 та қуёш сув иситиш қурилмаси орқали корхонанинг асосий ва ёрдамчи биноларига жорий йилда 185 минг Гкалдан зиёд иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилди.

Таъкидлаш лозимки, вилоят ҳудудида жорий йилнинг бугунги кунига қадар 308 дона трансформатор пункти ва 887,7 километр электр узатиш тармоқлари мукамал таъмирдан чиқарилди. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Сирдарё худудий филиали томонидан Сирдарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларида 2024 йил бошидан АЖ томонидан режалаштирилган паст қучланилиш электр узатиш тармоқлари ҳамда электр қурилмаларини жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари ўз муддатда бажарилмоқда.

Хусусан, вилоят ҳудудидаги 308 дона трансформатор пункти ва 887,7 километр электр узатиш тармоқлари мукамал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 1593,4 километр электр узатиш тармоқлари, 691 дона трансформатор пункти жорий таъмирланди. Жойларда мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари январь-июль ойларида 100 фоиз бажарилди.

Ишсиз ёшлар касб-хунарга ўқитилмоқда

Сирдарё архитектура ва қурилиш техникумида август ойидан бошлаб Сирдарё вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси, вилоят Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда ҳамкор ташкилотлар сатъ-ҳаракати билан техникум қошидаги “Қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази”да 100 нафар вақтинча ишсиз, шу жумладан, чет давлатда қурилиш соҳасида ишлаш истагида бўлган ёшларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан касб-хуналарни ўргатиш ва етук кадрларни тайёрлаш мақсадида ўқитиш жараёнлари бошланди.

Марказда тингловчиларга асосан, электр ва газ пайвандловчи, ёишт терувчи, темир-бетон ишлари устаси, ёғоч устаси, сувочки, бўёқчи, сантехника ишлари устаси каби йўналишларда малакали устозлар томонидан талабаларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб таълим берилмоқда.

Мавсумга тайёргарлик ҳолати ўрганилмоқда

Боёвут туманида куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қўриш ҳамда мавсумни беталафот ўтказиш мақсадида долзарб вазибалар белгиланиб, амалий тадбирлар олиб боришмоқда. Жараёнларда тумандаги кўп қаватли уйларни мавсумга тайёрлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Туман ҳокими Дилфуза Ўрлова сектор раҳбарлари ҳамда мутасаддилар ҳамроҳлигида Беруний маҳалласидаги кўп қаватли турар жой биноларини куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганиб, олиб борилаётган таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишди. Қайд этиш жоизки, ушбу маҳаллада жойлашган 50- ҳамда 54-кўп қаватли уйларнинг том қисмини мукамал таъмирлаш мақсадида давлат бюджетидан 900 миллион сўм маблағ ажратилиб, бугунги кунда ишлар бошлаб юборилган.

Туман ҳокими томонидан кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш, коммуникация тармоқлари созлигини таъминлаш, аҳолига қийинчилик туғдириши мумкин бўлган омилларни бартараф этиш бўйича зарурий тадбирлар белгиланди.

Таълим тизимидаги халқаро ҳамкорлик

Сирдарё архитектура ва қурилиш техникуми директори И. Бойдавлатов ҳамда ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Ш. Ҳикматов, Проффессионал таълимни ривожлантириш институти ходимлари билан Беларусь Республикасида хизмат сафарига бўлишди.

Сафар давомида улар Беларусь Республикаси Таълим ва зирлиги ҳузуридаги Проффессионал таълим республика институти ва унинг филиалларида ташкил этилган 36 соатли малака ошириш курсларида иштирок этишди.

Тингловчилар Беларусь Республикаси таълим вазирилиги ҳузуридаги Проффессионал таълим республика институти, “ЭкоТехноПарк – Волма” компетенция маркази, Индустриал-педагогика коллежининг компетенция маркази ва бошқа коллежларга таширф буюриб, таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш бўйича Беларусь тажрибаси билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, таширф давомида, техникум директори ҳамда масъуллари Беларусь Республикаси санаят педагогика коллежида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Техникум директори И. Бойдавлатов ҳамда Беларусь Республикаси Санаят педагогика коллежи филиал директори Б. Суворцев билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Иситиш тизимида янги тажриба

Вилоят ҳокими Мирзаобод туманида мактаб ва боғчалардаги қурилиш жараёнлари, Оқолтин туманида кўп қаватли уйларнинг куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасидаги ишларни ўрганди.

Мирзаободдаги 2, 24 ва 34 мактаб ҳамда 12-сонли мактабга-ча таълим ташкилотидagi қурилиш, реконструкция, мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланган графикдан ортда қолаётгани қаттиқ танқид қилинди. Қурувчи компания вакиллари-рига барча жараёнларни жадаллаштириш, қурилиш ишларини сифатли амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги айтилди.

Оқолтин тумани марказидаги кўп қаватли уйларда тажриба сифатида жорий этилаётган локал иситиш тизими лойиҳаси Янги давр маҳалласидаги 1-уй мисолида тақдимот қилинди. Тегишли мутахассислар томонидан тармоқнинг имкониятлари, қуввати ва бошқа кўрсаткичлари тахлили баён этилиб, амалиётда кўрсатилди. Лойиҳанинг фойдали иш коэффициенти юқорилиги, газни тежаш кўрсаткичи 50 физга тенглиги ҳисобига иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли эканлиги алоҳида таъкидланди. Қолаверса, тизим хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам бир қатор афзалликларга эга.

– “Инсон қадри учун”, деган ғоянинг ҳаётдаги амалий ифодасига гувоҳ бўлиб турибмиз, – деди Жумагул Михлиева. – Бутун иситиш тармоқларимиз янгиланди. Энди қишда қийналмаймиз. Амалга оширилган ишлардан қўшниларимиз ҳам жуда хурсанд. Ўтган йиллар мобайнида ўзимиз, ҳар ким ўз билганича турли иситкичлардан фойдаланган ҳолда уйимизни иситиб, қишни ўтказган эдик. Ҳаммаси ортда қолди.

Вилоят ҳокими ушбу тажрибани туман бўйлаб оммалаштириш заруриятини таъкидлади.

Саҳифани “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири
Бехзод АҲМАДҚУЛОВ тайёрлади.



Жаҳонгир ЖЎРАЕВ, “Регистон” ансамбли гид-экскурсоводи, Ипак йўли Халқаро туризм университети магистранти.

Хожа Дониёр мақбараси Самарқанддаги меъморий ёдгорликлардан бири бўлиб, XX аср бошларида Афросиёб кўрғонининг кунчиқар томонидан Сиёб ариғи ёқасида Авлиё Хожа Дониёр қабри устига қурилган.

У чўзиқ, 15 метрга яқин тўртбурчак тархли, пеш-тоқ, беш гумбазли хонадан иборат. Мақбара яқинидаги булоқ аҳоли орасида табарруқ ҳисобланади. Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асарида ёзилишича, Хожа Дониёр (Дониёл) Қусам ибн Аббоснинг сафдошларидан бўлган. Самарқанддаги бу муборак масканга дунёнинг турли ҳудудларидан саёхатчилар келади.

Мақбара бир вақтинг ўзида учта динда: яҳудий, ислом ва насронийликда ҳурматга сазовор бўлган авлиёнинг дафн этилган жойидир. Мусулмонлар уни Хожа Дониёр пайғамбар (Қуръонда зикр этилмаган лекин 124 минг пайғамбарлардан бири, яҳудийларда Даниел пайғамбар) деб аташган. Рус манбаларида “Святой Даниел” деб ҳам аталади. Инжилда талқин этилишича, Даниелнинг яҳудий тилидан таржимаси “Аллоҳ ҳакам” маъносини билдиради. Дониёр Иерусалимда эрамиздан аввалги 603 йилда туғилган бўлиб, шох Довуд ва Сулаймонларнинг авлодига мансубдир.

Эрамиздан аввалги 586 йилда Исроил Бобил шохи Новохундосор томонидан қосиб олинганидан сўнг, Дониёр ҳам бошқа зодагонларнинг болалари билан Бобилга олиб кетилади. У ерда болалар турли фанларни ўрганишади, Дониёр энг қобилиятли яҳудий ёшларидан ҳисобланган. У диний эътиқоди мустаҳкамлигини намоён қила олган. Шунинг учун унинг донишмандлиги Инжилда Аллоҳнинг мукофоти, деб баён этилади. Форслар келиши билан шох Дорий Дониёрни мамлакатни бошқарадиган кишилар қаторига кўтарди. Бундай илтифот сарой ходимларининг

рашкани келтиради ва улар Дониёрга тухмат уюшти-радилар. Шох фармони билан у оч шерлар чоҳига ташланади, лекин ҳайвонлар унга тегмайди. Шунда шох бўҳтончиларнинг ўзларини чуқурликка ташлади ва шерлар уларни тилка-пора қилишади.

Афсонавий авлиё яҳудий асирларнинг форс шохи томонидан озод этилишигача бўлган давргача яша-ган. Лекин кексалиги сабабли ватанига қайта олмай-ди ва Суз, ҳозирги Мосул (Ироқ) шаҳрида вафот этади. Авлиёнинг кўмилган жойи тўғрисида тарихчиларнинг баъзи чалкаш маълумотлари мавжуд. Жумладан, Абул Ҳаким Самарқандий “Қандия” китобида қуйидагилар-ни ёзади: “Самарқандда бир чашма борким, жаннат чашмаларидандур ва Оби Раҳмат ариғи яқинададур. Тарихчиларнинг айтишларига қараганда, ушбу сув Дониёр пайғамбар қабрлари бош тарафидан оқа-ди ва мазкур чашма шифо саломатлик сабабчиси-дир ҳамда бу сувнинг бир қисми Боғи Майдон томон оқа-ри ва Оби Раҳматга қўшулур”.

Олимлар орасида ҳалигача қачон ва қай тарзда Самарқандда Дониёр пайғамбарнинг мақбараси пайдо бўлганлиги тўғрисида фикр мавжуд эмас. Кенг тарқалган афсонага мувофиқ, Амир Тему-р ўзининг кичик Осиёга (1397 – 1404) етти йиллик уруши вақти-да буюк саркарда бўлишга қарамай, Сузни забт эта олмаган. Соҳибқирон ҳудожулардан шаҳарни авлиё Даниелнинг табарруқ хоки асраб келади, деб эши-тади. Шунда Амир Тему-р қамал қилинганлар билан ахдлашиб, уларнинг мол-мулкига тегмасликка ва асирларни қулликка олиб кетмасликка ваъда беради.

Бунинг эвазига авлиёнинг бир қисм ҳокими, яъни, ўнг қўлини Самарқандга олиб кетишни, токи салтанатини ҳар хил офатлардан сақлашни таклиф қилади.

Авлиё Самарқандга дафн этилганидан сўнг қабр-нинг бош тарафидан булоқ отилиб чиқади ва шаҳар аҳолиси, унинг атрофидагилар бу сувни табарруқ деб билишади. Лекин бу афсона Ислом дини удум ва қои-даларига зид бўлиб чиқади, яъни ўтганларни безовта қилиш мумкин эмасдир. Баъзи тадқиқотчиларнинг ишончли маълумотларига кўра, Самарқандга ҳаз-рати Дониёрнинг табарруқ хокини Ислом динига-ча мавжуд бўлган яҳудийлар диний жамияти олиб кел-ган бўлиб, маҳаллий оташпарастлар бу диндорларга ҳурматда бўлиб, шаҳар четида ибодатхона қуришга рухсат берганлар. Бунинг тасдиғи сифатида мақбара атрофидаги маданий қолдиқларни археологлар эра-миздан аввалги VII – VI асрларга тегишли, Инжилда кўрсатилганидек Дониёр пайғамбарнинг яшаб ўтган даврига тўғри келишини аниқлаганлар.

Самарқандга пайғамбарнинг хокини насроний-лар ҳам олиб келишлари мумкин эди. Чунки Визан-тия ҳукмдори Зенон даврида Дониёрнинг бир қисм хоки Константинополга, ҳозирги Истамбулга кўчи-рилган. Яна бир Урта Осиё манбалари Дониёр пай-ғамбарнинг хизматлари ҳақида маълумот беради. Бу – Биноийнинг “Туш таъбири” китобидир. Унда кўпгина ҳикматли сўзлар “Дониёр алайҳиссалом келтиради-ларким” сўзи билан бошланади.

Мақбара ичида дунёдаги энг узун қабр бўлиб, у 18 метр узунликка эга. Сағана пишиқ гишт билан те-рилиб, қумшувоқ қилинган ва қуръон ёзувларга эга бўлган мрамар панеллар билан безатилган. Сағана-нинг қарама-қарши томонидан мақбаранинг шимолга қаратилган деразасининг тоқчасида, ҳажми унча кат-та бўлмаган, маҳаллий аҳоли “ният тошиб” деб атаган арабий ёзувларга эга тош бор.

Чор Россияси даврида нашр этилган китобда До-ниёр пайғамбарнинг 1870 – 1980 йиллардаги гравюра

сурати акс эттирилган. Ундан шу маълум бўладики, ўша даврда тошлар билан терилган ва унинг атрофи-да кичик айвон ва сона (масжид) мавжуд бўлиб, қабр атрофида руҳоний ва авлиёларнинг белгиси бўлган олтига тўғ ўрнатилган. Тўғлар махсус тошларга ўрна-тилган бўлиб, ҳозирда ҳам ушбу тўғларни ушлаб тур-ган тошлар бор, лекин тўғлар сақланмаган.

XIX аср охирида ушбу қабр устида мақбара қурилди. Унга борадиган асосий йўл қадимий Аф-росиёб шаҳарчасидан бўлиб, мақбарадан сал баланд-роқда кириш – дарвозахона-айвон қурилган. Унинг қолдиқлари ҳанузгача сақланиб келмоқда ва у ҳам мақбара қурилган пайтда бунёд этилган. Ҳазрати Дониёр қабри устидаги мақбара XX асрнинг боши-да Самарқанд совунопазларининг устози Маҳмуд оқ-соқол томонидан бунёд этилган. Ўша даврда олинган бир фотосуратда мақбара олти гумбазли бўлган, хо-зирги вақтда эса гумбазларнинг сони бешта.

2001 йилда мажмуа атрофида археологик қазиш-лар олиб борилиб, XVI асрга тегишли масжид қол-диқлари топилди. Масжиднинг меҳроб тоқчаси Мак-ка томонга қаратилган. Қарияларнинг айтишларича, масжид иккинчи жаҳон уруши даврида номаълум са-бабларга кўра бузилган. Иморатнинг деворлари чўпқори услубида қурилган бўлиб, тагсинч болори пишиқ гиштли асосга ётқизилган эди. Масжиднинг шимолий қисмида майдони 25 кв метрли айвон бў-либ, кириш эшиги шу ердан бўлган. Айвоннинг ши-моли-ғарбий бурчагидан узунлиги 80 см, эни 40 см, қалинлиги 20 см катталиқдаги иккита тўғри бурчақ-ли тош плитаси ҳам топилди. Улар қабр тошлар яша-ш учун хомашё эди. Масжид жанубий деворининг таг қисми синчиклаб ўрганилганида у ерда XVII асрга оид гиштлар топилган. Меҳробли деворлар эса анча қадимий девор ўрнида, жарлиқнинг ёнбағрини ушлаб туриш учун қурилган экан. Бу ердаги ва жанубий де-вор тағидаги гиштлар XIV аср охири ва XV аср бошла-рига оиддир.



IQTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятлов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир уринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусахҳиҳ	Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
нашриёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ”
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСАЛИ:**

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-ҳой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсаноатқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзАШҚЛИТИ” ДУК,
“ЎзшаҳарсозлиқЛИТИ” ДУК,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон
Республикаси:** 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-941.
1508 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган кўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Тўрон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Ҳўжаева.
Навбатчи –
М. Ҳайдаров.

Ўза якуни – 22.38.
Топириллиди – 23.20.

12 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони
2024 йил 27 сентябрь куни чиқади.

Правительство Республика Узбекистан

получила кредит от Всемирного банка (Банка) на реализацию Проекта
“Развития сельской инфраструктуры” и намеревается использовать часть
средств данного кредита для финансирования правомочных платежей по
контракту на выполнение проектно-изыскательных работ и разработку
рабочего проекта под ключ по следующим объектам:

№	Наименование объекта	Номер контракта	Стартовая стоимость работ (сум без НДС)	Срок выполнения работ (календарных дней)
1.	Капитальный ремонт филиала общеобразовательной школы №15 в МСГ “Бойтупи” Пахтабадского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-125	69 400 310	45
2.	Реконструкция общеобразовательной школы №24 в МСГ “Лолазор” Пахтабадского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-126	44 063 710	45
3.	Реконструкция ДОО №2 в МСГ “Терактаги” Пахтабадского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-127	90 660 310	45
4.	Улучшение электроснабжения МСГ “Якка тол” Бустанского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-128	3 521 600	20
5.	Улучшение электроснабжения МСГ “Янги кишлоқ” Бустанского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-129	2 831 600	20
6.	Улучшение электроснабжения МСГ “Фаровон” Улугнарского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-130	1 727 600	20

Инжиниринговая компания СЕЗ Андижанского областного хокимията (далее именуемый “Заказчик”)

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые предложения по предоставлению следующих консультационных услуг: выполнение проектно-изыскательных работ и разработку рабочего проекта под ключ по вышеуказанным объектам. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты не-возмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 340 000 сум.

Технические и финансовые предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по следующему адресу: г. Андижан ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет 106) не позднее 16.00, 5 октября 2024 года.

Подача предложений:

- заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;
- Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС;**
- крайний срок подачи заявок – 5.10.2024 года, 16.00;**
- организация для подачи заявок:**

Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства.

Адрес: г. Андижан, ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет 106).

Ответственный представитель консалтингового центра: М. Топволдиев.

Адрес электронной почты: andijon.tender@gmail.ru

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени. Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается Участнику Торгов нераспечатанным.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ муборак бўлсин!

**2024 йил сентябрь ойининг
20 – 23 саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжа-лиги вазирлиги ҳузуридаги Компетенцияни ривожлантириш инсти-тути ректори **Аъзамиддин Қўлдашев**,

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” бош мутахассиси **Жамшид Холикулов**,
Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот инсти-тути бош мутахассиси **Айбек Байсеитов**, мутахассислар **Фарҳод Абдикаринов**, **Хондамир Маҳмудов**,

“Коммунал лойиҳа илмий тадқиқот институти” Давлат муассаса-си механизми **Дониёр Исмомов**,

“Ўзоғирсаноатлоийҳа” АЖТО раҳбари **Нодирхон Набиев**,

“O‘zshaharsozlik LITI” бош лойиҳа институти ДМ Архитекту-ра-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси бош мута-хассиси **Найля Гарипова**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳа-сида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Олимхон Ҳожиев**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳа-сида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Ижро интизоми ва мурожа-атлар билан ишлаш бўйича мутахассиси **Чарос Рашидова**,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳа-сида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабора-торияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими мутахассиси **Одилжон Актамов**,

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Амирбек Мирсоидиков**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги “Kungrad Kommunalе” БСК МЧЖ бош директори **Рустем Палбанов**, Хўжайли туманидаги “Xojeli Kommunal Servis Sroy” БСК МЧЖ бош директо-ри **Саламат Танирбергенов**,

Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги “Nur Sity Kompaniya” БСК МЧЖ бош директори **Усмон Хўжамов**, Қарши шаҳридаги “Буюк Авлод бошқарув компанияси” МЧЖ бош директори **Шаҳноза Тўхтамуратова**,

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги “Қумқўрғон тезкор коммунал БСК” МЧЖ бош директори **Низом Маматқулов**,

Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги “Yuksalish” БСК МЧЖ бош директори **Акбар Мусаев**, Яккасарой туманидаги “Yakkaprofkom” БСК МЧЖ бош директори **Искандар Маматходжаев**, Юнус-обод туманидаги “Чақмоқ сервис” ПУК бош директори **Ирино Угарова**, Учтепа туманидаги “Areba Class” БСК МЧЖ бош дирек-тори **Равшан Аюпов**, “Obod Makon” БСК МЧЖ бош директори **Малика Анортаева**, Мирзо Улугбек туманидаги “Mustajli Uy Servis Kommunal” БСК МЧЖ бош директори **Саодат Абдузакиров**ларни таваллуд кунлари билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИХАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИҚ,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**